



# SCIENCE TIME

## УЛУГБЕК ҲАМДАМНИНГ «ОЛИСДАГИ ДИЛНУРА» ҲИКОЯСИДА ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

**Давлатмуродов Илҳом Ражапович**

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти ўзбек тили кафедраси ўқитувчisi, мустақил тадқиқотчи.

E-mail: rajarovichilhom@gmail.com

**Аннотация:** Уибу мақолада истеъододли ёзувчи Улугбек Ҳамдамнинг «Олисдаги Дилнурасы» ҳикоясида психологияк таҳлил имкониятлари ҳақида сўз юритилади. Жумладан, ёзувчининг поэтик маҳорати, воқеликни баён қилиши усули, бадиий яхлитликни таъминловчи асосий категориялар хусусида муайян дараҷасада фикр билдирилди. Айниқса, қаҳрамон руҳий ҳолатининг ўзгарувчан моҳиятга айланни ҳолатларини назарий-илмий жиҳатдан асослашга уриндик. Айнан, поэтика қонунияти азал-азалдан инсон руҳиятини ўрганувчи соҳа бўлганлиги ҳақида атрофлича муносабат билдирилди.

**Калим сўзлар:** сюжет, композиция, мавзу, психологизм, бадиий вақт, поэтика, услугуб, тил, нутқ, тасвир.

**Аннотация:** В данной статье говорится о возможностях психологического анализа в повести «Олисдаги Дилнурасы» талантливого писателя Улугбека Хамдама. В частности, был высказан определенный уровень мнения о поэтическом мастерстве писателя, способе описания действительности, основных категориях, обеспечивающих художественную целостность. В частности, мы попытались теоретически и научно обосновать обстоятельства превращения психического состояния героя в изменяющуюся сущность. Было выражено отношение, о том что, именно закон поэтики всегда был областью, изучающей человеческую психику.

**Ключевые слова:** сюжет, композиция, тема, психологизм, художественное время, поэтика, стиль, язык, речь, образ.

**Annotation:** The article deals with the features of psychological analysis in the work of «Dilnura who is far from» (Olisdagi Dilnura) by Ulugbek Hamdam, a talented writer. It indicates that there are the artistic skill of the author, way of covering events and categories receiving the literary conformity. Especially, we tried to extend the points making into changeable state according to psychological occasion of hero from theoretical-scientific point of view. Particularly, it is denoted that the study of the poetics researches human's psychology so far.

**Key words:** plot, composition, theme, psychologism, artistic time, poetics, style, language, speech, image.

### КИРИШ.

Бадиий асар ўзига хос бир олам. Бу поэтик дунёда кашф этилаётган инсон «мен»и ҳар бир даврда индивидуаллиги билан ажиб моҳиятни жилвалантиради. Глобаллашув жараёни, урбанизация, тараққиёт тадрижи инсон аталмиш сирли жумбоқнинг давр ва шароит тақозосига кўра турланиб, тусланиб туришини талаб қиласи. Ўзгараётган дунё авзойида шахслараро



# SCIENCE TIME

тафовут истеъмолчи, бугуннинг орзу-ҳавасига эш инсон қийматини ҳам маълум маънода баҳолаб улгурди. Бугунги инсон тийнатига «нафс», «шухратпарастлик», «калтабинлик» эҳтиёжи унинг маънавий дунёсани инқризолашга эришди. Демак, ана шу жиҳатларни вақтида англаш ва англатиш ёзувчи иродаси ўлароқ дунёга, аникроғи бугунги замон кишиисига кўзгу бўлиб тутилаётгани қувонарли ҳодисадир.

## МЕТОДЛАР.

Ўз истеъдодини бадиий жанрнинг турли шаклларида намоён қилиб бераётган Улуғбек Ҳамдам «кашф»лари кўпроқ замондош инсон истеъмолини, яшаш кўникмаларини, давр муаммолари билан уйғун равища юзага чиқаришга қарататётгани диққатга сазовордир. «Тўлин ой қиссаси» номли ҳикоялар тўпламига киритилган аксар ҳикояларда ана шу моҳиятга, яъни «янги инсон» дунёқарашини тасвиrlашга, уларнинг «хойю ҳавас»ини ажид манзараларда «кашф» этишга мойиллиги билан бошқа ҳикоянавсилардан тамомила – услуб, тил, сюжет, мавзу, ғоявийлик жиҳатидан жиддий тафовутланади. Психологик таҳлил имкониятлари ҳақида сўз юритган мунаққид Ҳ.Умиров: «Психологизмнинг формалари турли-туман бўлганидек унинг портрет, диалог, монолог, туш, психологик тимсоллар, ҳиссий ҳаракатлар, пейзаж, галлюцинация каби поэтик воситалари ҳам ранг-барангдир. Уларнинг ҳар бири қаҳрамон ички дунёсининг яширин сирларини ошкора қилишда ёзувчига қўл келади», - дея аниқлик киритади. [1.34-35]

Мақолада «Олисдаги Дилнура» ҳикояси таҳлилида психологик ва психоаналитик усуllар татбиқ қилинди.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.

«Тўлин ой қиссаси» тўпламидаги «Олисдаги Дилнура» ҳикоясида инсон руҳиятини пармалаб ташлаган воқелик баён этилади. Ҳаёт ҳақидағи тўла-тўқис ўзининг тушунчасини ўтказа оладиган, **«кеча-бугун-эртага»** тарзида фикрлашга одатланган шахс руҳияти солномаси таҳлил санҳнига олиб чиқилади. Бинобарин, «ҳикоя тарзи учун хос бўлган энг муҳим жиҳатлардан



# SCIENCE TIME

бири нутқни олиб бориши ва сўз ишоралари предмети ўртасида вақтинчалик дистациянинг мавжудлигидир. У (Арастунинг фикрини эслайлик: шоир «воқеани худди ўз иштирокисиз содир бўлгандек» гапиради) четдан олиб борилади ва анъанага кўра, ўтган замон грамматик шаклига эга. Ҳикоя қилувчи бизга қачондир юз берган нарсани эсловчи киши позициясида тургандек туюлади. Тасвиrlанаётган ҳаракат вақти ва у ҳақда ҳикоя қилинаётган вақт ўртасидаги масофа эпик шаклнинг энг асосий характерли белгиси ҳисобланади». [2. 98] Дарҳақиқат, У.Ҳамдам ҳикояларида вақт ва воқелик узвийлиги бадиий психологик характерларни индивидуаллаштиришга хизмат қиласи. Чунки ёзувчи вақтдан бино бўлган ҳаёт фалсафаси дунёвийлик жиҳатидан ижтимоий масалаларни шахсийлашувига қаратилгани билан характерлидир. Ҳикояда тоға ва жиян, эр ва хотин ўртасидаги зиддиятларни тасвиrlар экан, ғоявийлик нуқтаи назаридан шарқ ҳалқларида қадрият сифатида эъзозланган меҳр-шафқат, олижаноблик, қариндош-уругчилик анъаналарининг дарз кетшига мантиқий ургу беради:

«Йироқдан улкан тепаликда жойлашган мозор кўринди. Козимжоннинг юраги бир ҳапқириб тушди. Ўтмиш... хотирасида жонланди. Тепалик, болалик ва Юнус тоға бор эди унда. Юнус тоға ўт теришда Козимжонни бошлаб юради. Ҳаммаси кечагидек эсида. У пайтлар жамоа хўжалигининг бир қарич ерига ҳам пахта экиларди. «даласида пахта... томорқасида пахта... уйининг ичидаю томининг тепасида пахта» деган гаплар ўша вақтдан қолган. Чорва учун эса ҳеч қандай яйлов ҳам, экин майдонлари ҳам ажратилмасди. Шундан бўлса керак, Юнус тоға узун калиш этик киярди-да, зовурнинг ичига тушиб, gox қамиш ўрап, gox эса мана шу қабристон майдонига келиб, ердан хиёл бош кўтарган ажриқни Козимжон ҳозир исмини унутган аллақандай ёпишқоқ ўтга қўшиб томир-помири билан ўрап, кейин кажавали мотоциклга юклаб, уйга олиб кетишарди. Шунда болакай Козимжон тоғасига сув-пув узатиб тураб эди, холос. Лекин уйга келгач, аввал Козимжонларникоига



# SCIENCE TIME

ўтишар ва ўтнинг қоқ ярмини тушириб, сўнг қолганини Юнус тоға ўзиникига олиб кетарди. Шу билан Козимжон уйдаги кундалик вазифасининг энг муҳимини бажарган чиқарди». [3. 243-244]

Хикоя қаҳрамонларидан бири Козимжон аҳвол-руҳиясидаги ўзгаришлар, хотирлашлар аслида ўзининг болалик чоғидаги унутилмас воқеларни онгу шуурида қайта жонлантира олганлигига ёрқин намоён бўлади. Тоғаси Юнус акадан ўрганган чин инсоний фазилатлари тақдир тақозоси билан шаҳар шовқинларига кўмилиб, ижтимоий ҳаёт тутумларининг инсон характеристини ўзгартириб юборганини «кеча ва бугун» тарзида қиёслаганида сезиб қолади. Бу ўзак нуқта ҳикоя воқеларини янада қизиқарли, табиий чиқишида муҳим аҳамият касб этади. Ёзувчи *A воқелик бошлиниши билан B воқеликни* суратлайди. Натижада тоға ва жиян муносабатлари, олис болаликнинг ойдин хаёллари, қаҳрамон руҳиятидаги узил-кесил ўзгаришлардан воқиф қилишга даъват қиласи. Бир томонда қишлоқ ҳаётидан сира узилмаган Козимжон – оила, тирикчилик, иш ва аёл таъсирида совурилиб кетаётганини вақт ўтиши билан англай боради. Лекин умид – ўзгармасдир. Айнан ўша нуқтада тушқунлик бағрида тобланган қалб ҳасрати Дилнурга тимсолида янада ойдинлашади. Ҳикоя поэтикасида икки жиҳат эътиборга лойиқдир: биринчидан, қишлоқ ҳаёти, у ерда яшовчи содда, тўпори, жайдари оломоннинг ноёб инсоний фазилатларини тасврлаш бўлса, иккинчидан шаҳар шовқинларига кўмилиб кетган, тамаддун туғиб берган неъматлар қаршисида эсанкираган оломон қиёфасини кўрсатишни мақсад қилганлигига равшанлашади. Демак, ҳикоя қаҳрамонлари руҳиятидаги ана шундай ўзгаришлар Дилнурга атрофида жипслашади.

«Моддиюн дунё бирламчи, онг иккиламчи дея бутун олам узвийлигини инкор этган, сўнг эса ҳаёт қонуниятини англаб етган инсон бир-бирига монанд дунё мантиғидан тўғри хулосалар чиқара бошлади. Зиддиятлар тобора кучайган жамият бадиий-эстетик тафаккури ҳосиласи сифатида янги романлар юзага кела бошлади». [4. 29] Бинобарин, бу талқинни ҳозирги



# SCIENCE TIME

ўзбек ҳикоячилиги борасида ҳам қузатиш мумкин. Негаки, У.Ҳамдам битта воқеликни бир неча шаклларда ифодалашнинг улдасидан чиқсан ёзувчилардан бири саналади. Аслида, «сени дея сенсиз яшадим» (У.Ҳамдам) бирикмаси орқали ҳикоя қаҳрамонларининг «ўз табиатидан кечиб кетолмаслиги» юқоридаги мулоҳазаларимизни далолатлади.

Проф. Д.Қурунов: «Нуқтаи назар тушунчаси, содда қилиб айтсак, ровий билан тасвирланаётган воқелик ўртасидаги муносабат асосида юзага келади. Бунда иккита жиҳатга: 1) воқелик қайси нуқтадан туриб тасвирланаётгани; 2) тасвирланаётган нарсалар кимнинг нигохи орқали берилаётганига дикқат қилинади. Биринчи жиҳатни тушуниш учун коинотдаги оператор ишини эслаш мумкин. Яъни оператор тасвирга олиш учун маконда муайян бир нуқтани эгаллагани каби, ровий ҳам воқеликни бирон-бир нуқтадан туриб тасвирлайди. Табиийки, бу нуқта муттасил ўзгариб туради: ҳар сафар тасвир обьекти энг ёрқин ва ғоявий-бадиий ниятга мувофиқ кўринадиган нуқта танланади». [5. 15-16] Бу тушунча ҳикоя поэтикасига ҳам бевосита дахлдордир. Биринчидан, ҳикоя қилинаётган воқелик замирида ўтмиш ёки келажак ҳақидаги муайян башоратларга ишора тарзида баён қилинса, иккинчидан муаллиф таранг психологияк вазиятни топиши лозим бўлади. Психологияк вазият тақозосига кўра инсонни кашф қилиш, унинг тақдирига ойдинлик киритиш юқоридаги таъкиддаги каби – нуқтаи назар фонида бериш қулайлик туғдиради. Ёзувчи Козмjon тақдирида ўша асосий белгини топган. Иш ва оила, ватан ва юрт тимсоллари унга фақатгина далда берувчи воситалардир. Тоғанинг вафоти ҳақидаги совук хабарнинг ўзиёқ ҳикоя экспозицияси гап нимага қаратилганига ишора қилинганида қабариб кўринади. Ҳикояда ҳикоя ичида ҳикоя қилиш санъати ҳам қўлланилган. Воқелик шиддат билан баён қилинадики, бу тез суратлаш ёзувчига – дард ҳамда изтиробдан фориғ бўлиш муҳимлигини белгилайди. Тақдир сўқмоқларида қоқилган, ҳаётнинг аччиқ зарбаларидан тотган қаҳрамон



# SCIENCE TIME

тийнатида «синиш»лар ҳам қузатилади. «Рұхиятнинг синиши» унга қўплаб хотираларни қайта тиклаш имконини беради:

«Қариндошлардан кимдир салом бериб, кимдир бош силкиб, қабр олдида оёқ илган Козимжонларнинг ёнидан ўтганча, маҳаллага элтувчи йўлга қараб одимлашди. Қўлларини тутиб гавдасини мажбуран кўтармоқчи бўлган иккита акасининг исканжасидан силтаниб қутулмоқчи бўлган Дилнурा бўлса жон аччиғида бақирди: «Менга тегма!.. Мен сенларга ўхшаб дадамни ташлаб кетмайман! Йўқол ҳамманг!.. Биринг Россияга кет, биринг Тошкентга!.. Ўзи дадамнинг бошини сенлар единглар... Ҳаммангни ёмон кўраман, ҳаммангни!.. – Дилнурा йиглайвериб шишиб, овози бўғилиб қолганди. – Йўқол!..»- у ўзини куч билан судраб кетаётган акаларининг қучоғидан яна бир юлқиниб чиқмоқчи бўлди-ю, қўққисдан жимиб қолди. Козимжон қизгинанинг ҳушидан кетганини англади. «Оёғини судрамай, азот кўтариб олинглар», деди бояги хешлардан бири...». [3. 254]

Мазкур лавҳада кўрганимиздек, Дилнуранинг кутилмагандан оламдан ўтиши, отасининг азаси тугамай бу мудҳиш ҳодисанинг содир бўлиши воқеликни янада жонлантиради. Негаки, Козимжон шаҳарга қайтганида руҳиятидаги ўзгаришлар жуда бишқача эди. Аммо унинг характери шаҳар муҳитида яна ўша ҳолатга қайтади. Ёзувчи муҳит ва шароит қурбони бўлган инсон тақдиридан хабар бериши негизида жорий ҳаёт тарзига одатланган қисматлараро муносабатларини ҳам муҳокама саҳнига олиб чиқишига мушарраф бўлган.

Адабиётшунос Д.Тўраев қайд этишича: «Хозирги ўзбек насирида мавжудлик – экзистенция масаласи у қадар кескин қўйилмаса-да, ҳар ҳолда, ҳаётий воқеа-ҳодисаларда инсонлик масъулиятини унутиш ёки чеклаш, лоқайдлик, фаолликни йўқотиб, оқимга ўзини ташлаб қўйиш ҳолатлари юз бераётгани ҳақида огохлантирувчи асарлар ёзмоқдаларки, бу ҳол адибларимиз ижодида услубий изланишлар жонланганини кўрсатади». [6. 69] Янгиланаётган бадиий тафаккур тарзida – иифода маданияти ўзига хос



# SCIENCE TIME

аҳамият касб этиб бораётгани мавжуд муаммоларнинг барҳам топишига кенг йўл очмоқда. У.Ҳамдам насирида етакчи тамойил «янги инсон» табиатидаги инжа ўзгаришларни далолатлашдан иборат бўлибина қолмай, уни замондошларимиз ҳиссий тафаккурида зохир бўлаётганлигини талқин қилишга эътибор бераётганлиги билан ҳам ўлчанади.

«Олисдаги Дилнур» 2010 йил нашр қилинганида «Узоқдаги Дилнур» номи билан эълон қилинганди. Ёзувчи орадан 7 йил ўтиб, ҳикояда мавзусини қайта таҳрирлади. Сюжет ва композицияни тўлдиришга эҳтиёж сезди. Демак, воқеликдан ибтидоланган сюжет қисмлари ўзаро уйғунлашди. Психологик талқин бирор барқарорлашди. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Негаки, адаб бадиийлик залворини оширишга ҳаракат қилди. Ҳикоя архитектоникасида жилваланган воқелик тоға ва жиян муносабатларини «чизиш»дан, далолатлашдан иборат бўлибина қолмай, жамият ҳаётидаги эврилишларни, маънавий-маърифий инқирозларни янада ишонарли тасвирлай олганлиги билан белгиланади. Козимжонниинг афсус-надоматида барқ урган калтабинлик – ҳаёт ҳақиқатига тескари келадиган ўз савияси қадар баҳо беришида кўринади. Ҳаёт фалсафасини – шон-шуҳратга алишган йигит қалбida бир умр сира кечириб бўлмас азоб яшайди. Унинг бахтсизлиги ҳам шунда аслида. Чунки ҳикояда Дилнурा исмли раққоса билан ўзининг чиркин ниятини амалга ошириш илинжида бўлган бир пайтда – синглисининг тўсатдан вафот этишида намоён бўлади. У минг афсус, изтироб чекмасин, тоға ва унинг дилбар қизини қайтариб беришдек имкон йўқлиги бир умр таъкиб қиласи. Натижада, қаҳрамон руҳий изтироблари ана шу йўсинда ниҳояланади. Шаҳар ва қишлоқ орасида кечган бадиий вақт эпкинларида асар қаҳрамонлари ўз-ўзини англай боради.

## ХУЛОСА.

Умуман, ҳикояда руҳий таҳлил замон ва маконда кечаётган бадиий вақт интенсив равишда ифодаланади. Айнан, хотира, эслаш, ачиниш ҳисси Козимжон вужудини ўраб олган. Бир қарашда оддий воқеликдек туюлган



# SCIENCE TIME

бадиий коммуникация негизида теран ҳаётининг холосалар яширганига гувоҳ бўламиз. Зоро, адиб жамият ҳаётининг бир парчасинигина икки-учта оила тимсолида ёритиб бераркан, бунга ўхшаш номувофиқлар ҳаётда жуда кўп эканлигини мантиқий урғулайди. Янги давр ҳикоячилигига инсон руҳий ҳолатини кашф қилишга уриниш ҳолати шу йўсинда намоён бўлаётганлигини эътироф этиш жоиз.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Умурев X. Рисолалар. Сайланма. 1-жилд. –Тошкент, Фан. 2007. 34-35-бетлар.
2. Бобохонов М. Ўзбек қиссаларида бадиий психологизм. –Тошкент, Баёз. 2014. –Б.98.
3. Ҳамдамов У. Тўлин ой қиссаси. –Тошкент, Ўзбекистон. 2017. –Б.243-244.
4. Пардаева З. Ўзбек романни поэтикаси. –Тошкент, А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти. 2003. -Б.29.
5. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. -Toshkent, Akademnashr. 2018. –В. 15-16. // <https://quronov.uz>
6. Тўраев Д. Рангин тасвирлар жилоси. –Тошкент, Академнашр. 2014. –Б.69.